

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Toyloq tumani
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Тайлякского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у. г. « 18 » сентябрь

№ 134-к

Toyloq sh. – г. Тайляк

Туман хокимлиги захира ерлари хисобидан Самарканд шаҳар Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тошпулатов Уткур бошлик қўл тармоқли фермер хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ишлов қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган Низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман хокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 10 мартдаги 2-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Туман хокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган Самарканд шаҳар Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тошпулатов Уткурга қўл тармоқли йўналишида янгида ташкил этилаётган фермер хўжалигига Бахштепа массиви ердан фойдаланиш харитасининг 398к, 397, 389к, 407, 406к, 391к, 230к, 13к, 12к, 32, 375к, 374, 383к, 433-контурларидан жами 23.61 гектар, шундан 13.7 гектар сўғориб ҳайдаладиган, 4.96 гектар боғзор, 1.34 гектар тоқзор, 1.06 гектар ариқ ва зовур, 0.6 гектар йўللар, 0.15 гектар қурилиш ости, 1.8 гектар теракзорлардан иборат ер майдони 37 (Ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узок муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунида белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов)га Самарканд шаҳар Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тошпулатов Уткурга бошлик фермер хўжалигига ер майдонини ажратиш бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишини назорат қилиш бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов)га фуқаро Тошпулатов Уткурга бошлик фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунида белгиланган тартибда қўл қоғоз қилиниши назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммаларда қолдираман.

7.Ушбу қарорни тасдиғи Самарканд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман хокими

Б.Бабоназаров